

ШАРТНОМА № 46/1

(Бюджетдан маблаг олувчи муассасаларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаши ҳақида)

“17” Январь 2022 йил.

Фаргона шаҳри.

Ушбу шартнома бир томондан “FARG’ONA DORI-DARMON” акциядорлик жамияти номидан бошкарув раиси М.А.Турсунов вакиллигида келгусида “Ижрочи” ва иккинчи томондан Фуркат туман Тиббиёт бирлашма бошлиғи М.Б.Эргашев вакиллигида келгусида “Буюртмачи” ўртасида хар икки томоннинг амалдаги “Низом”лари ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида”ги Қонунига, шунингдек, бошка амалдаги конун хужжатларига мувофик қўйидаги мазмунда туздилар:

I. Шартнома предмети.

1.1 “Ижрочи” “Буюртмачи”га ушбу шартномага асосан умумий қиймати 12985823 сўм (Ун икки миллион туккиз юз саксон беш минг саккиз юз йигирма уч сум)
(сумна роҳим ва сўз билан ёнишади)

бўлган дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар (келгусида “Товар” деб номланади)ни спецификацияга асосан бир маротабалик ёки йиллик талабнома асосида етказиб беради.

1.2. “Ижрочи” эса ўз навбатида ушбу “Товар” лар учун келишилган ҳақни шартноманинг 2-бўлимида белгиланган шартлар асосида “Буюртмачи” га тўлайди.

II. Тўлов тартиби.

2.1. “Буюртмачи” шартнома имзолангандан сўнг етказиб берилиши лозим бўлган “Товар” умумий қийматининг 30 % ни олдиндан 3895746,90 сўм микдорда “Ижрочи” нинг хисоб-ракамига пул ўтказиш йўли билан тўлайди. Етказиб берилган “Товар” лар тўловининг қолган, яъни 70 % кисми эса “Буюртмачи” томонидан “Товар” қабул килиб олингандан сўнг 30 (үттиз) календарь кун ичida тўлиқ тўлаб берилади.

III. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. “Ижрочи” нинг хуқуқ ва мажбуриятлари:

3.1.1. “Буюртмачи” томонидан “Товар” умумий нархининг 30 фоизи “Ижрочи” нинг хисоб ракамига олдиндан тўлангандан сўнг “Ижрочи” “Буюртмачи” ни “Товар” билан таъминлади.

3.1.2. “Ижрочи” “Буюртмачи” га тегишли хужжатлар асосида “Товар”ни белгиланган тартибда ҳамда белгиланган стандарт сифат даражасида топшириш мажбуриятини олади.

3.1.3. “Ижрочи” “Буюртмачи” га кулагайлик яратиш максадида “Товар”ни ўз транспорт воситаларида “Истеммолчи” нинг манзилгоҳига етказиб бериши мумкин. Бу ҳолда транспорт воситаси оркали етказиб бериш харажати “Ижрочи” томонидан копланади.

3.1.4. “Ижрочи” нинг транспорт воситасида етказилган “Товар” нинг микдоридан аниқланган камомад ҳамда сифатсизликлар юзасидан “Буюртмачи” “Ижрочи” нинг вакили иштирокида “Товар” етказилган кундаёқ далолатнома тушиб ҳолатни тасдиқлайди. Мазкур далолатномага асосан камомад хисоби “Ижрочи” томонидан тўлдирилади. Агарда ушбу харакатлар ўз вактида амалга оширилмаса эътиroz асоссиз деб хисобланиб, инобатга олинмайди.

3.1.5. “Ижрочи” Соғлиқни саклаш тизимидағи юкори ташкилотлар тасдиқлаган марказлашган таксимот оркали дори воситалари ва муруват ёрдамларидан келган “Товар”лар билан “Буюртмачи”ни таъминлади. Таксимотни тасдиқлаган ташкилотнинг рухсатисиз “Буюртмачи” “Товар”ни олишга ҳақли эмас. Транспорт харажатлари “Буюртмачи” томонидан копланади.

3.2. “Буюртмачи”нинг хуқуқ ва мажбуриятлари:

3.2.1. “Ижрочи” “Буюртмачи” дан шартнома тузилгандан сўнг етказиб берилиши лозим бўлган “Товар” учун уларнинг умумий қийматининг 30 фоизини олдиндан тўлагандан сўнг 10 календарь кун ичida тегишли хужжатларни расмийлаштириб, “Товар”ни ишончнома асосида қабул килиб олиш хуқукига эга.

3.2.2. “Буюртмачи” “Ижрочинан” дан Ўзбекистон Республикасида фармакологик рўйхатдан ўтказилиб, ишлатишга рухсат этилган, сифати, маркировка ва ўрамлари амалдаги фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга бўлган “Товар”ларни талааб килиш хуқукига эга. Етказиб берилган “Товар” сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмаса, “Буюртмачи” “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасига мувофик “Товар”ни қабул қилишини ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, “Ижрочи”дан сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмайдиган “Товар” қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундиришга ҳақли.

IV. Томонларнинг мулкий жавобгарликлари

4.1. Томонларнинг мулкий жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошка амалдаги конун хужжатлари билан тартибга солинади.

4.2. “Буюртмачи” томонидан “Ижрочи”га берилган йиллик берилган буюртмаларни “Буюртмачи” ушбу шартноманинг умумий суммасидан келиб чиккан ҳолда тўлиқ олиши шарт. Акс ҳолда “Буюртмачи”дан Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси

тўғрисида” ги Конунининг 31-моддасига мувофик олинмай қолган (олиш асосиз рад этилган) “Товар” суммасининг 5 фоизи, тез бузиладиган “Товар”лар бўйича эса 10 фоизи микдорида жарима ундирилади

4.3. “Ижрочи” томонидан етказиб берилган “Товар” учун тўланиши лозим бўлган тўлов ҳаки “Буюртмачи” томонидан ўз вактида амалга оширилмаса, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида” ги Конунининг 32-моддасига мувофик тўлов кечикирилган хар бир кун учун тўланиши лозим бўлган умумий сумманинг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаган микдорда “Ижрочи” га пеня тўлайди.

4.4. “Буюртмачи” томонидан “Ижрочи”га йиллик берилган буюртмаларни етказиб беришни “Ижрочи” асосиз равишда кечикирилса, кечикирилган хар бир кун учун “Ижрочи” “Буюртмачи”га етказиб берилмаган “Товар” умумий кийматининг 0,5 фоизи микдорида, аммо етказиб берилмаган товар умумий кийматининг 50 % дан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

V. Форс-мажор ҳолатлари

5.1. Тарафлардан хеч бири бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар (урушлар, фукаролик тартибсизлиги, эпидемия ҳолати, блокада, эмбарго, табиий оғатлар) билан боғлиқ ҳолатда бажармаганилиги учун жавобгар бўлмайди.

VI. Низоларни ҳал қилиш тартиби

6.1. Ушбу шартнома ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади. Агарда келишувга эришилмаса қонунчиликда белгиланган тартибда “Ижрочи” жойлашган жойдаги иқтисодий суд томонидан ҳал қилинади.

VII. Шартнома муддати ва уни ўзгартириш тартиби

7.1. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартиришлар ва кўшимчалар факат томонларнинг ўзаро ёзма келишувлари билан киритилиши мумкин.

7.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

7.3. Ушбу шартнома ғазначилик бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб юридик кучга киради.

7.4. Шартнома 2022 йил “31” декабр кунига қадар амал қиласди.

VIII. Томонларнинг почта манзили ва тўлов реквизитлари:

“Ижрочи”

“Буюртмачи”

“FARG’ONA DORI-DARMON” АЖ

Фаргона ш. Ал-Фарғоний кўчаси 50-үй
Омбори: Кўқон ш. Турон кўчаси 76-үй
Х/р: 20208000000215318001 МФО: 00493
Ўз.Р. ТИФ Миллий Банкнинг Фаргона бўлими.
ИНН: 200153801 ОКОНХ:71212
Тел: Фаргона (73) 244-66-14. инд:150100
Кўкон: (73) 543-21-37.

“FARG’ONA DORI-DARMON” АЖ

бошқарув раиси:

М.А.Турсунов.



Хукукий хуласа

Фуркат туман Тиббиёт бирлашма

манзил: Навбахор ш
х/р: 100022860302387073101054001
банк: Марказий банк ташкент
СТИР: 200201685 ОКОНХ :91 511
Ғазначилик бўлинмаси номи:
Фуркат тумани
Марказий банк Тошкент шаҳар Бош
бошқармаси ХКМ
Ягона ғазна х/в: 23402000300100001010
МФО: 00014 СТИР: 201122919
Тел:



М.Б.Эргашев
(имзо, мухр, Ф.И.О.)

Мазкур шартнома лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Конуни ва бошка конун хужжатлари асосида хукукий экспертиздан ўтказиб:

- Шартнома лойиҳасининг амалдаги конун хужжатлари талабларига жавоб беришini ва конунга мос холда тузилганилигини;

- Томонларнинг шартномада кўрсатилган мулкий жавобгарликлари ва ўзаро низоларни ҳал қилиш йўллари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги конуни асосида белгиланганлигини аниқладим.

Юкоридагиларга асосланган холда шартнома лойиҳасини конун хужжатлари асосида тузилган деб хисоблайман ва томонларга уни имзолашни тавсия этаман.

“FARG’ONA DORI-DARMON” АЖ юристи:

М.Юлдашев

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: shartnoma.
2. Loyihaning nomi: Byudjetdan mablag' oluvchi muassasalarni dori vositalari va tibbiy buyumlar bilan ta'minlash to'g'risida shartnoma.
3. Loyiha ishlab chiqilgan va kiritilgan sana: 2022 yil 17 yanvar kuni ishlab chiqilgan va Furqat tumani Yuridik xizmat ko'rsatish Markaziga taqdim qilingan.
4. Loyiha bo'yicha taklif va (yoki) e'tirozlar:

Furqat tumani Tibbiyot birlashmasi bilan «Farg'ona Dori-darmon» AJ o'rtaida 2022 yilning 17 yanvar kungi 46/1-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi o'rganib chiqildi.

Shartnoma loyihasini o'rganish jarayonida O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida" gi Qonuni va boshka qonun hujjatlari talablari asosida ishlab chiqilganligi ma'lum bo'ldi.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

XULOSA:

Furqat tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022 yilning 17 yanvar kuni taqdim etilgan Byudjetdan mablag' oluvchi muassasalarni dori vositalari va tibbiy buyumlar bilan ta'minlash to'g'risidagi 46/1-sonli shartnoma loyihasi huquqiy ekspertizadan o'tkazildi, yuqoridagilarga asosan mazkur shartnomani imzolash amaldagi qonunchilikka muvofiq.

**Furqat tuman Yuridik xizmat
ko'rsatish boshlig'i boshlig'i**

18.01.2022 yil




A.Nurmatov

С П Е Ц И Ф И К А Ц И Я Ц Е Н.


Приложение к договору №: 449

Поставщик: "Фаргона Дори-Дармон" АЖ
Покупатель: ФУРКАТ Т-Н ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ

№№	Наименование товаров и услуг.	Производитель	ЕдИзм	Серия	Колво.	Цена опт цена н/дс	Цена реализация н/дс	Срок годности
1	ГЛЮКОЗА-СЕЕМ (ДЕКСТРОЗА) 5% Р-Р ДИИНФ 200МЛ	Samarkand England Eco-Medical СП О	ФЛ 45	16471221.1648.16	1 000	2645,00	0	2645,00 2645000,00 01.2025
2	ЛИДОКАИН Г/Х Р-Р 1% 5 МЛ №10 (ПЭ)	ЖУРАБЕК Лабораториес СП ООО Узб	УП	H261121.251121	200	3438,50	0	3438,50 687700,00 12.2024
3	НАТРИЯ ХЛОРИД-СЕЕМ Р-Р 0,9 % 200 МЛ	Samarkand England Eco-Medical СП О	ФЛ	16341221.31221	1 000	2875,00	0	2875,00 2875000,00 01.2025
4	ПЛАЗМАФОР 6% Р-Р ДИИНФ 250 МЛ (ГИДРОКСИЭТИЛ КРАХМАЛ)	ЖУРАБЕК Лабораториес СП ООО Узб	УП	0030920	4	41405,75	0	41405,75 165623,00 10.2022
5	РЕОСОРБИЛАКТОЛ Р-Р ДИИНФ. 200 МЛ	ДЕНТАФИЛ ПЛЮС Узбекистон	FL	71021	500	5865,00	0	5865,00 2932500,00 11.2023
6	ЦЕФТРИАКСОН 1,0 Г №1 (131)	ДЕНТАФИЛ ПЛЮС Узбекистон	штук	251121	1 000	3680,00	0	3680,00 3680000,00 08.2024
Итого к оплате Двенацать миллионов девятьсот восемьдесят пять тысяч восемьсот три сум 00 тийин						12985823,00		

от Поставщика: 
подпись:

от Покупателя: 
подпись:



4/10

4/3/101

5



№ 4330-555e-6a07-fcf0-48c7-5205-0891
Хужжат яратилинган сана: 2020-03-12
Ариза рақами: 16071704

Хужжат берилгандан: "FARG`ONA DORI DARMON"
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 200153801

Серия: - №: -

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги
Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги**

**Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига 15533 - сонли
ЛИЦЕНЗИЯ**

Ушбу лицензия "FARG`ONA DORI-DARMON" акциядорлик жамиятига дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш, доривор ўсимликлар хом ашёсини қадоқлаш ва улгуржи реализация қилиш, дори воситаларини тайёрлаш рухсатни амалга ошириш учун берилди.

Жойлашган жойи (почта манзили): Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Ал-Фарғоний кўчаси, 50
уй.

Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР): 200153801

Лицензия берилгандан сана: 30-01-2020 йил

Амал қилиши муддати: 30-01-2025 йил

Лицензиянинг реестр бўйича тартиб рақами: 14113-20

Ваколатли шахс: С.Кариеев

ZUFAROVA GULNORA XAYRULLAYEVNA

Мазкур хужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон хужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон хужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун hero.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон хужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон хужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон хужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъян тақиқланган.

7286

